

## Сиёсий партиялар демократик жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланиши керак

---



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 август куни мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар раҳбарлари билан учрашди.

Мулоқот чоғида партияларнинг жамиятимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётидаги ўрни ва ролини ошириш, шу йил декабрь ойида миллий парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органларига бўладиган сайловларга тайёргарлик ишларининг бориши тўғрисида, бу борадаги энг муҳим ва долзарб масалалар хусусида атрофлича фикр юритилди.

Маълумки, мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйган ҳозирги вақтда барча соҳа ва тармоқларда чуқур демократик ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ҳаракатлар стратегияси асосида жамиятимизда кўппартиявийлик, сиёсий плюрализм, фикрлар ранг-баранглиги, очиклик ва ошкоралик тамойилларини кучайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бугунги кунда юртимизда бешта сиёсий партия – "Миллий тикланиш" демократик партияси, Халқ демократик партияси, Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси, "Адолат" социал-демократик партияси ва Экологик партия фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ўз ғоя ва дастурларини амалга ошириши, сайловларда тенглик, очиклик ва холислик тамойиллари асосида фаол иштирок этиб, парламент, маҳаллий вакиллик органларида ўз фракциялари ва партиявий гуруҳларини шакллантириши ҳамда мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиши учун барча қонуний асослар яратилган. Янги қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси бу борада янада кенг имкониятлар яратиши билан аҳамиятлидир.

Учрашувда давлатимиз раҳбари "Ҳар қандай сиёсий партия замон билан ҳамнафас бўлиб, унинг ўткир талабларига жавоб берган тақдирдагина сиёсий куч сифатида яшай олади", деб таъкидлади.

Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўладиган сайловлар мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеа бўлиб, бутун халқимиз қатори сиёсий партиялар учун ҳам катта сиёсий мактаб бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Сайловларнинг кўппартиявийлик ва муқобиллик, ошкоралик ва транспарентлик тамойиллари асосида, дунёда умумэътироф этилган демократик стандартларга мос ҳолда ўтиши кўп жиҳатдан сиёсий партияларнинг ушбу жараёнга пухта тайёргарлик кўриши ҳамда

чуқур ўйланган янги ғоя ва мақсадлар, дастурлар билан уларда фаол иштирок этишига боғлиқ.

Миллий қонунчилигимизда бўлажак сайловларда депутатликка номзодлар фақат сиёсий партиялар томонидан илгари сурилиши қатъий белгилаб қўйилгани ҳар бир партиёга катта ҳуқуқ ва имконият бериши билан бирга юксак масъулият ҳам юклайди.

Албатта, сайловлар олдидан ҳар бир сиёсий партия ўзининг сайловолди дастури, сиёсий платформасини ишлаб чиқади, янги-янги ғояларни ўртага ташлайди, эл-юрт орасида обрў-эътибор қозонган инсонлар номзодини илгари суради. Бир сўз билан айтганда, кураш қизгин бўлади.

Сиёсий партиялар раҳбарлари билан суҳбат давомида бу галги сайловларнинг ўзига хос хусусиятлари ва аҳамияти, партиялар ушбу ғоят муҳим жараёнга қандай ғоя ва мақсадлар билан бораётгани, электоратнинг фаоллигини ошириш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларда сиёсий етакчилик фазилатларини шакллантириш, партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш ҳақида атрофлича фикр юритилди.

"Қайси партиёга мансублигидан қатъи назар, барча юртдошларимизни бирлаштирадиган ягона ва муштарак мақсад – бу жонажон Ўзбекистонимиз, унинг буюк келажагидир. Айни шу мақсад ҳаммамизни она юртимизга садоқат билан хизмат қилишга даъват этади", деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Сайловлар жараёнида, демократик плюрализм шароитида халқимизга хос бўлган бағрикенглик ва олижаноблик, сиёсий-ҳуқуқий маданиятни намоён этиш лозимлигига урғу берилди. Айниқса, сайловолди тарғибот кампанияларини замонавий ахборот технологиялари ёрдамида олиб бориш бўйича қонунчилигимизда белгиланган нормаларга амал қилиш муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди.

Мулоқот жараёнида бугунги давр ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар талабларидан келиб чиққан ҳолда, сиёсий партиялар фаолияти чуқур таҳлил қилиниб, уларнинг ишини такомиллаштириш ва самарасини ошириш бўйича фикр-мулоҳазалар, амалий таклифлар билдирилди.

[prezident.uz](http://prezident.uz)